Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган


Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
6 июль
ЧОРШАНБА
№ 54 (12898)

www.th.uz

ЗАНГИОТА:
ҚУТ-БАРАКА ЁҒИЛГАН ЗАМИН





– Куни кеча уйимизга вилоятлик танишимиз меҳмонга келди, – дейди Зангиота қишлоғида яшовчи нуроний Марҳамат ая Ҳамдамова. – У уйимизни аранг топиб келибди. Нима дейди денг: "Бу ерга келмаганимга энди икки ярим йилдан ошди, қишлоқни танимай, адашиб қолдим."

Ҳақиқатан ҳам, бугун бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши шундай ҳолатга тушиши мумкин. Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан кейин Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғи ва зиёратгоҳи мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Амир Темур кўчасининг четидаги икки қаватли замонавий тураржойлар, уларнинг биринчи қаватидаги хизмат кўрсатиш шахобчалари... Қишлоқ эмас, нақ шаҳарнинг ўзи. Зангиота зиёратгоҳини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Таъмирдан чиққан обидалар, янги қад ростлаган бинолар, жаннатмонанд ҳовлилар... Зиёратга келувчиларнинг эса кети узилмайди.

Истиқлол туфайли бир қишлоқда шунчалик катта ўзгаришлар бўлса, бутун Ўзбекистон бўйича кечган ўзгариш ва янгиланишларни тасаввур қилаверинг, энди.

"ОЧИЛ ДАСТУРХОН" ЭРТАКДА ЭМАС, БИЗДА...

Далалари мисли очил дастурхон, боғлари болга ботган, замини барчага қут-барака улашиб чарчамайдиган юрт – бу, бизнинг озод ва обод Ўзбекистонимиз. Деҳқон, боғбон, соҳибкорларнинг қадоқ қўллари сеҳри бозорларимизнинг йил-ўн икки ой тўкин-сочинлигида намоён. Бугун ноз-неъмат бунёдкорлари сидқидилдан яйраб ишлашмоқда. Негаки, Истиқлол дала меҳнаткашлари ҳаётига ҳам ўзгача мазмун олиб кирди, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Буни Зангиота туманидаги мисолида яққол кўриш мумкин. Дала меҳнаткашлари астойдил меҳнат қилиб, ўз маҳсулотларини шаҳарликлар дастурхонига, ҳаттоки, чет элга ҳам тортиқ қилишмоқда.

ТИҒИЗ КУНЛАР

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида иш ҳар қачонгидан ҳам тиғиз. Бу ерда ташкил этилган ғалла штаби телефони тинимсиз жиринглаб, далаларда ғалла ўрим-йиғими қандай кетаётганидан бохабар қилади. Қайсидир фермер режани ортиғи билан бажарганини маълум қилса, бошқаси уруғлик буғдойга ҳам ўроқ тушганини, дастлабки ҳосил чакки эмаслигини айтади. Бизни қарши олган туман фермерлар кенгаши раиси Комилжон ака Тиллаев навбатдаги қўнғироққа жавоб қайтараркан, мамнунлигини яширолмади: "Айнан шу тонналар керак эди, давлатга ғалла сотиш шартнома режасини бажардик".

Фермерлар учун 9 минг 226 тонна чегара эмас. Ғалла ўрими ҳали авжида. Фермерларнинг чеҳрасидан бу йил ғаллакорлар учун ноқулай келган об-ҳаво шароитида ҳам фидокорона меҳнат боис, мўл ҳосил етиштирилганлигидан мамнунлик ҳисси балқиб турибди. Зангиоталикларнинг давлатга ғалла топшириш борасида вилоятда биринчи бўлиб маррага етиб келганидан руҳланиб, бепоён далалар сари йўл олдик.

Машина бир-бирига уланиб кетган даланинг текис йўлларидан енгил ҳаракатланиб бораркан, хаёлимиздан бир пайтлар дала йўллари ўнқир-чўнқир, тупроқ экани, ёғингарчилик пайтлари далаларга кириш азоб бўлгани ўтди. Ҳамроҳимиз Комилжон ака бежиз таъкидламади: "Йўлларимизда юриб кетаётган машинада қўлингизда пиёлада сув олиб ўтирсангиз тўкилмайди. Яйраб ишлайдиган замон келди".

Комилжон ака фермерлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 апрелдаги "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси йиғилиши"нинг баёни ижросини таъминлаш мақсадида Зангиота тумани ҳудудларида ҳамда туман захирасида бўлган ер майдонларида янги фермер хўжаликлари ташкил этилгани, шу тариқа фермер хўжаликлари сони 1775 тага етгани ҳақида тўлиб-тошиб гапиради.

Бу, деҳқончиликнинг ҳақиқий ҳадисини олган меҳнаткашларни янада руҳлантириб юборганини бугун далаларда иш қизғин давом этаётгани, ҳосил қозони тинимсиз "қайнаётгани" мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир тарафда ғалла ўрими қизғин, бир томонда картошка тўла қоплар дала бағрини тўлдираяпти, бошқа жойда мева узиш авжида... Деҳқоннинг пешонасини қоплаган реза-реза терни артишга ҳам вақти йўқ, ҳар дақиқа ғинимат, ҳосилни вақтида йиғиштириб олиш керак, ахир, меҳнатининг роҳатини кўрадиган вақт келди.

Давоми 2-бетда.

Маънавият

Миллий спорт тури, халқ ўйини – кураш истиқлол йилларида Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари боис, дунё кезмоқда. Аллақачон, миллионлаб мухлисларнинг қизиқишларига сазовор бўлди. Тарихий меросимизни яхшилаб ўргансак, бошқа спорт турлари билан бемалол рақобатлаша оладиган яна кўплаб қизиқарли, оммабоп, томошабоп ўйинларимиз майдонга чиқади.

ҲАЁТ БУ – ЎЙИН ЭМАС...

"Поло"га айланган "чавгон"

Қадим-қадимлардан ўзбеклар от суриб, ўзаро дов талашган "чавгон" Бобур Мирзо туфайли ҳинд диёрида кенг шуҳрат топади. Кейинроқ, бу ўйинга мафтун бўлган инглизлар Европа томонларда "чавгон"ни машҳур қилиб юборадилар. Бу ўша – қадимий, миллий ўйинимиз ҳозир халқаро спорт терминологиясида "поло" деб аталади. Афсуски, ҳиндлар ҳам, ўзбеклар ҳам бу ўйинни қарийб унутганлар. Зотан, эндиликда тобора оммалашиб бораётган ўша "поло"ни ўрганишимиз мумкин, холос...

Бугун Шарқ яккакурашлари – ушу, каратэ, таэквандо кенг ёйилган спорт турлари ҳисобланади. Айнан шу ўйинларнинг тарихан таркиб топишида бизнинг заминимиздаги "дук", "тепки" сингари ўйинлар "хамиртуруш" вазифасини ўтаган бўлса, не ажаб? Ахир, ўтмишда ёвқурлик, абжирлик, қиличбозлик ва чавандозликда беназир саналган аждодларимиз шунга яраша жанг санъатига доир турфа ажабтовур ўйинлар борасида ҳам етакчилик қилишгандир? Буни биз, афсуски, фақат тахмин қила оламиз, холос. Тарихдан узилишнинг, миллий ўзликдан чекинишнинг салбий оқибати бу!

Фарқ шундаки, ўтган аср бошларида Шарқий Осиё давлатлари ўз миллий халқ ўйинлари – жанг санъатини кенг тарғиб этишга бел боғлашган, бизда эса уларнинг пайи қирқилган, тақиқ остига олинган. Бунинг сабаб ва оқибатларини жуда яхши биласиз...

Энди-чи?..

Сиз бу битикларни хотиржам ўқиётган пайтингизда, аминманки, фарзандингиз ёки бирон жиян-жилғангиз берилиб компьютерда ўйин ўйнаб ўтирибди. Энг даҳшатлиси, биз бу ҳолни ривожланиш, тараққиёт билан алоқадор табиий жараён дея қабул қила бошладик. Ҳатто, ўша лаънати ўйиннинг қай босқичига етганини ўсмоқлаб сўраб ҳам қўямиз. Ҳа, энди ўнинчи йўлдан ўтибди, эҳ-ҳе, бир замонлар барча ишларни ташлаб, элликта йўлни бир кечада ўтганмиз. Эрталабгача "Галактика" ўйинини тугатаман деганча, қанчақанча юлдузларни, само махлуқларини қирувчи самолётда уриб туширганмиз. Ёлғонми? Бирон ўн йиллар бурун барча ёш-ялангни "денди"га қарам айлаган, топган-тутганимизни илинганимиз ана шу ўйин эмасмиди? Тўғри, бугун "денди" йўқ, замонавий уқаларимиз учун "тетрис" аллақачон эскилик сарқити.

Давоми 4-бетда.

Мустақиллик – менинг тақдиримда

ЁШЛИК – ИМТИЁЗЛАР АЙЁМИ

Бугун мамлакатимизда ҳар бир хонадон, ҳар бир оила кичик бизнесга дахлдор – кимдир фермер хўжалиги, кимдир ишлаб чиқариш, кимдир хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари, яна кимдир "патент" олиб тижорат билан шуғулланмоқда. Опасингилларимиз касаначилик асосида бизнесни йўлга қўйган бўлса, коллежни битираётган кўплаб ёшларимиз имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликнинг янги йўналишларига қўл урмоқда. Тўғри-да, бизнес қилиш учун шарт-шароит тобора яхшиланаётганини кўриб, кимнинг ҳам тадбиркорлик қилгиси келмайди дейсиз?!

Менда ҳам тадбиркорликка қизиқиш анча ёшлигимдан бошланган. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мен каби тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларни қўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлаётир.

Президентимизнинг доимий эътиборидан руҳланиб, 2013 йилда 2-республика тиббиёт коллежини тамомлаб, ўз бизнесимни бошладим. Ўнга яқин ёшлар иш билан таъминланган "Тотли таъм барака" оилавий корхонамизда сутни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Кунига 200 литр сутни қайта ишлаб, ўн турдаги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бераётирмиз.

Сут маҳсулотларини уй шароитида ишлаб чиқариш осон иш эмас. Бунинг учун, аввало, билим ва тажриба керак бўлса, сўнгра тегишли жойлардан гувоҳнома ва сертификатлар ҳам олиш керак, албатта. Тегишли сертификатлар ва ҳужжатлар олиб, сут текшириш лабораториясини ҳам ишга туширдик.

Оилавий корхоналарга солиқ борасида кенг имконият яратилган. Бундан ташқари, банклар ҳам бизга яқин кўмакдош. Ўтган уч йил давомида "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банкининг Қибрай филиалидан икки маротаба кредит олдик. Мазкур маблағ эвазига сервис хизматларини йўлга қўйдик. Хусусан, маҳалламизда сунъий футбол майдончаси, дорихона ва савдо дўкони ташкил этдик.

Бугунги кунда юртимизда оилавий тадбиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёни янги босқичига кўтарилмоқда. Ўйлашимча, оилавий бизнесни юритиш миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши нафақат оилалар фаровонлигини таъминлаш, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Бобом ҳар сафар бир гапни такрорлайди: "Болам, мустақиллик инъом этган неъматларнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Сенга ўз орзу-истакларингни рўёбга чиқариш учун барча имконият яратилган экан, ундан оқилона фойдаланишинг зарур!". Албатта, келгусида ўз бизнесимни янада кенгайтириш орқали кўплаб тенгдошларимни иш билан таъминлаш ва янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ниятидаман.

Лайло ЖАППАРОВА,
Қибрай туманидаги "Тотли таъм барака" оилавий корхонаси раҳбари.

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ

Табиат ва жамиятнинг гултожи бўлмиш Ҳазрати инсон муқаддас ришталар, эзгу қадриятлар, асрлар синовидан ўтган удумларга суяниб умргузаронлик қилади. Вужуд ва қалб тарбияси бобида айнан ана шу омиллар мезон саналади. Жумлаи мўминнинг эъзозли байрами бўлмиш Рамазон ҳайити ҳам пок ниятли халқимизнинг энг мўътабар айёмларидан биридир.

Шукуҳ

Мустақиллик туфайли бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланди. Зотан, динимизда ҳамжиҳатлик, бирдамлик фалсафаси ғоят чуқур. Худди шу қутлуғ айём тимсолида халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, бирдамлик, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш фазилатлари яққол намоён бўлади. Шу маънода, Истиқлол йиллари халқимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди, десак асло янглишмаймиз.

Муҳтарам Юртбошимизнинг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори бунинг яна бир ҳаётий ифодасидир. Зеро, Рамазон ҳайити – эзгу амаллар айёми. Уни ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат руҳида кутиб олиш ва нишонлашда фуқаролар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этади.

Дарҳақиқат, шу кунларда юртимизда Рамазон ҳайити шукуҳи кезиб юрибди. Тинч ва обод заминда, маъмур ва фаровон бир замонда юртдошларимиз бугун шоду хуррамликда қутлуғ айём билан бир-бирларини табриклашмоқда.

Давоми 4-бетда.



ЗАНГИОТА: ҚУТ-БАРАКА ЁҒИЛГАН ЗАМИН



КАРТОШКАНИНГ ЗЎРИ ЧУВАЛАЧИДА

2006 йилда сафга қўшилиб "Зиёдулла Сагдуллаев" фермер хўжалигини ташкил этган Шавкат Сагдуллаевнинг бугун қувончи чексиз, давлатга ғалла сотиш шартнома режасини ошириб бажарди. 2,5 гектар ердаги карам ва гулкарамдан 70 тонна, ярим гектар майдондаги картошкадан 25 тонна, 2 гектар ердаги сабзидан 35 тонна ҳосил йиғиштириб олди. 2 гектар узумзоридан эса 30 тонна ҳосил олишни ният қилган.

– Картошкачилик борасида чувалачиликларга тенг келадигани топилмайди, – дейди фермер. – Гектаридан 50-60 тонна ҳосил оладиганлар бор. Бунинг сири оддий. Сидқидилдан меҳнат қилишади, экинга минерал ўғит сепилиши ҳақида гап очсангиз: "Қўй ўша дорингни, маҳаллий ўғитдан қўймасин", дея қўл силташади. Уларнинг тажрибасини ўрганса ўргангулик.

Шавкат Сагдуллаев кечки картошкадан ҳам мўл ҳосил олиш ниятида Голландиядан келтирилган "Родео", "Лизетта" номли ширин, серҳосил картошка навларини экишга тайёрлаб қўйган.

Яқинда Исроилга бориб, "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини интенсив етиштириш ҳамда уларни сақлаш" дастури бўйича 1 ой ўқиб қайтган фермер келаси йилдан экинларини томчилатиб суғориш усулига ўтади.

БОҒИ БОРНИНГ БОЛИ БОР

Бу нақлни ўзларига шиор қилиб олган кўплаб фермерлар соҳада ўз омадларини синаб кўрмоқдалар. Натижада, 2199 гектар мевали боғлар, 1376 гектар узумзорлардан ҳар йили мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда. Туманда интенсив боғлар яратишга асос солган, ҳар йили ўн минглаб туп турли мевали дарахт кўчатларини пайванд қилиб, ҳудудда поёнсиз боғлар яратилишига муносиб ҳисса қўшаётган машҳур боғбон Заҳриддин Сайфутдинов каби фермерлар талайгина.

Ўтган йили "Файз барака боғдорчилик" фермер хўжалигини ташкил этган Эркин қишлоғилик Жўрабек Мамадалиев боғдорчиликка дадил қадамлар билан кириб келди. Банкдан олган 200 миллион сўм кредит пулига 25,6 гектар ердаги боғнинг атрофини симтўр билан ўради, 21 минг дона олма кўчатлари олиб келиб экди. Билиб қилинган парвариш боис, бу йил олмалар нишона ҳам берди. Фермер дарахтлар орасидан ҳам унумли фойдаланиб, сабзавот ва полиз экинлари экди. кемирувчиларга ем ва маълум қисмигина экишга яроқли бўларди. Бу кечаги гап, бугун эса аҳвол тамоман бошқача. Фермерларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда уларга 7 та музлаткич хизмат кўрсатмоқда. Йил охирига қадар яна 2 та музлатҲикматов.– Ўша пайтларда фермерларнинг 70 тонна маҳсулотини сақлаб берардик. Ўтган йили корхонамиз тўла қувват билан ишлай бошлади. Бу 400 тонна маҳсулотни сақлаш имконини беради. Ҳозирда фермерларнинг 120 тонна картошка уруғлигини сақлаяпмиз. 150 тонна маҳсулот қайта ишланади. Маҳсулот "Туркистон" ва "Иттифоқ" номи остида сотувга чиқарилади.

Тумандаги 13 та мева ва сабзавотни, 2 та сутни қайта ишлаш корхоналарида бугун иш қизғин. Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш савдо шахобчаларига жўнатилмоқда.

ИШНИ ДЎНДИРАДИГАНЛАРДАН

"Мен ҳам барча фермерлар қатори оддий фермерман-да", деб ўз фаолияти ҳақида гапиришни хушламайдиган, лекин иш деса дўндирадиган фермерлардан бири Эргаш Юлдошев бўлади.

"Иттифоқ. Юлдошев Эргаш" фермер хўжалиги ташкил этилган пайтда далада 200 туп камҳосил мевали дарахтлар мавжуд эди. Фермер ишни ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Натижада, ер бонитети кўтарилди. Далага 400 туп олма, 3100 туп олхўри кўчатлари экди. Яхши парвариш боис ҳосилдорлик йилма-йил ошиб, 8 гектар майдондаги олхўри ҳосилдорлиги 97,5 тонна, 1,5 гектар ердаги олма ҳосилдорлиги 18 тоннага етди. Ўтган йили боғлар орасига иккиламчи экин – сабзавот ва полиз экиш ҳисобига 74,8 миллион сўм даромад кўрилди. Шунингдек, 1,2 гектар ерга совуқ иқлим шароитига мос, чидамли бўлган янги олхўри кўчатлари экилди.

Зангиота агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари амалиётни шу ерда ўтаб, кўп нарса ўрганмоқдалар. Сўнгги уч йил ичида хўжаликда амалиёт ўтаган 19 нафар ўқувчининг 5 нафари шу ерда ишда қолди.

Жорий йилда етиштирилган маҳсулотларнинг 35 фоизини чет давлатларга экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилганлиги фермер хўжалигининг иқтисодий томондан янада мустаҳкам оёққа туришига хизмат қилади.

Эргаш Юлдошев нафақат ўз ишчиларини доимий равишда моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаб келаётган раҳбар, балки саховатли инсон ҳам экан. У маҳаллага газ қувурлари ўтказиш, электр таъминотини яхшилаш, мактабни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ҳомийлик қилмоқда. Хуллас, гапирса гап кўп.

"ОИЛА ШИФОКОРИ"

Чорва молларини бежиз "оиламиз шифокори" деб айтишмайди. Сут ва сут маҳсулотларининг шифобахшлик хусусиятлари қадим-қадимдан маълум. Шунинг учун ҳам тумандаги кўплаб хонадонларда чорва моллари, парранда боқилади. 19 та чорвачилик фермаларида эса 1733 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Чорвачиликка ихтисослашган шундай катта хўжаликлардан бири "Тўлаган" фермер хўжалигидир. Хўжаликда парваришланаётган 475 бош қорамолнинг 140 таси соғин сигир бўлиб, уларнинг ҳар биридан кунига 12 литрдан серқаймоқ, сифатли сут соғиб олинмоқда.

Фермер хўжалигининг 154,4 гектар ерига озуқа экинлари (шундан 28 гектари буғдой) экилган бўлиб, ҳозирда қишловга ҳозирлик қизғин бормоқда. Жумладан, 1000 тонна сенаж, 120 тонна қуруқ беда жамғариб қўйилди.

Давлатга режадаги 87 тонна ўрнига 110 тонна ғалла топширган чорвадорлар ҳаракатни бўшаштирмай қишлов учун 300 тонна сомон жамғариб, айни кунларда ерларни маккажўхори экишга тайёрлашмоқда.

Бугун биз Зангиота бўйлаб, унинг сўлим ва хушманзара боғу роғлари, элимизга ризқ улашаётган далаларини кезиб, камтару камсуқум, заҳматкаш фидойи инсонлари билан суҳбатлашиб, қалбимизда шу азиз Ватан – барчамизники, деган ғурурни туйдик. Истиқлол бахш этган имкониятлардан фойдаланиб, ўз ерининг ҳақиқий эгаларига айланган қадоқ қўлли дала меҳнаткашларининг юз-кўзларида ўз меҳнати ва унинг натижасидан мамнунлик ҳиссини кўрдик.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Бошланиши 1-бетда.

Ҳадемай ҳосил пишиб етилади. Жўрабек Мамадалиевнинг нияти, аҳолимиз эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотларни Россияга экспорт қилиш. Даромади эвазига иш кўламини кенгайтиришга аҳд қилган фермер Италия технологияси асосида 2 минг тонналик музлаткич қурмоқчи, чорвачиликни йўлга қўймоқчи. Фермер 4 ишчи билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 20 нафардан ошди.

МАҲСУЛОТ САҚЛАШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

Бир пайтлар экишга мўлжалланган уруғлик картошка хўжалик омборларида сақланар, ноқулай шароитларда унинг ярми чирир, кич қурилиб, ишга туширилади.

"Зангиота. Туркистон агро бизнес" МЧЖга кириб борганимизда ҳовлида икки нафар фермерга дуч келдик.

– Музлаткичга картошканинг Голландиядан келтирилган "Маниту" навини қўйгандим, – дейди туркистонлик Равшан Ҳошимов. – Чунки, бу ерда асраш ишончли. Музлаткичдан чиққан уруғликни 10-11 кун очиққа қўйиб, шароитимизга мослаштирамиз. Кейин экамиз. Ҳосил 100 кунда пишиб етилади. 3 тонна уруғлигимни яхши асраб беришганидан кўнглим тўлди.

– Музлаткичимизни 2012 йилда қурганмиз, – дейди корхона раҳбари Фахриддин

ҚАЙТА ИШЛАНГАНИ – ХАЗИНА

Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу, фермерлар учун жуда қулай. Анча олисда жойлашган корхоналарга бориб-келиши учун кетадиган вақтини тежайди. Қолаверса, бундан маҳаллий аҳоли фойда кўради, янги иш ўринлари очилади.

"Туркистон агро импекс" корхонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланади. Ёз, куз мавсумларида фаолият юритадиган корхонада мавсумда фермерлардан олинган сабзи ва сабзавотлардан турли икралар тайёрланади. Бир мавсумда

Вилоятда дув-дув гап

Хабарлар, янгиликлар

ЧИНОЗ ТУМАНИдаги Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

– Бу йил 562 нафар ўқувчи мустақил ҳаётга йўлланма олади, – дейди коллеж директори Исроил Бўлтаков. – Улар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишади. Бир қатор масъул ташкилотлар томонидан меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётгани битирувчилар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

ҚИБРАЙ ТУМАНИдаги мусиқа мактабида Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан "Ягонасан, жонажон Ватан!" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Маҳалланинг нуроний отахон-онахонлари ва ёшлар иштирокидаги тадбир истиқлолнинг 25 йиллигига бағишланди.

– Хонадонларимиз кўрки ва файзи бўлган кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан кўнгиллар шод, – дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Саида Олимхўжаева. – Тинчлик – бебаҳо бойлигимиз, осуда ҳаётимизга кўз тегмасин.

Тадбир сўнгида маҳалланинг пири бадавлат кексалари, фаоллари ва ташаббускор ёшларига байрам совғалари тақдим этилди.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" мавзуида болажонлар учун расмлар танлови, турли ўйинлар ташкил этилди. Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" хайрия фонди ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигидаги ташкил этилган тадбирда ёшларнинг етук ва баркамол бўлиб улғайишлари учун оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш хусусида сўз борди.

– Ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ушбу танловни ташкил этдик, – дейди туман гиёҳванд моддаларга қарши курашиш ҳудудий комиссиясининг масъул котиби Файзулла Каримов.

ВИЛОЯТ адлия бошқармаси, прокуратура, суд ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатда туғилган болани фарзандликка олишнинг айрим масалалари" мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда фарзандликка олиш ҳолатларини расмийлаштиришга оид мавжуд муаммоли ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Давлат органларида қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятини янада мустаҳкамлаш борасидаги амалий ишлар аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

САЛОМАТЛИК УЧУН САРМОЯЛАР

Аввалларн олис қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчилар шифокор кўригига бориш учун узоқ йўл босиб келишларига тўғри келарди. Бунга анчагина вақт ва маблағ ҳам сарф этиларди. Бугун эса вазият батамом ўзгарди.

❑ Жараён

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди. Юртимизнинг чекка ҳудудларида қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Улар энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, малакали мутахассислар фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг самарали фаолияти соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг ёрқин бир далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик – 3) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда рўёбга чиқарилаётган мазкур лойиҳаси доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятимиздаги барча шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, марказий ва кўп тармоқли шифохоналар, 10 та оилавий шифохона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириб, касалликларга эрта ва тўғри ташхис қўйилишига замин яратаётир. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган шифокорларнинг назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қайта тайёрлаш, қисқа муддатли ўқув курслари йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг узлуксиз ўқитилиши таъминлаб келинмоқда.

Г. ТЎХТАНАЗАРОВА,
"Саломатлик – 3" лойиҳасини амалга ошириш ҳудудий бюроси директори.


❑ 2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ХАЙРИЯ ФОНДИНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Республикамизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой, интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган "Соғлом авлод учун" фонди вилоят ҳудудий филиали вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари, жумладан, энг чекка қишлоқлари аҳолисига тиббий-ижтимоий ёрдам беришни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирлари режасига мувофиқ ўтказилган навбатдаги тиббий кўрикка Бекобод туманининг чегара ҳудудларида яшовчи Жомий, "Бунёдкор" ҳамда Ҳамид Олимжон маҳалла фуқаролари жалб этилди. Асосан, ёши улуғ кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, аёллар ва болалар, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор берилиб, малакали шифокорлар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида "Соғлом турмуш тарзи", "Репродуктив саломатликни тўғри шакллантириш", "Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда давра суҳбатлари, тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.

Санда ИКРОМОВА.



Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Диққат, танлов!

«САРҲИСОБ»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда мустақиллик йилларида диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб этиш, тинчлик ва осойишталикни қадрлаш, динлараро бағрикенглик ва ҳамкорлик ғояларини оммалаштириш, халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ёт ғоялардан ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида "Сарҳисоб" танловини ўтказади.

Танловга 2016 йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидение ва интернет тармоғида эълон қилинган материаллар ЎМИнинг ҳудудий вакиллари томонидан белгиланган муддатгача қабул қилинади.

Танловда ғолиб деб топилганлар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

Бош мукофот:

тинчлик ва осойишталикни қадрлаш мавзуидаги энг яхши ижодий иш. Ғолиб махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

"Энг яхши ижодий иш учун" мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

"Энг яхши ижодий иш учун" мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

"Энг яхши ижодий иш учун" мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3-ўринлар);

"Энг яхши ижодий иш учун" мукофот (интернет – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Теле ва радиодастурларда иштирок этган "Энг фаол тарғиботчи" (1-, 2-, 3-ўринлар);

Ғолибларга асосий мукофотларга қўшимча тарзда ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ҳам топширилади.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (3 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исм-шарифи, ўз соҳасида олиб бораётган фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танловда иштирок этувчиларнинг материаллари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Матбуот хизматига топширилади.
Манзил: 100002, Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 47-уй.
Телефонлар: (+99871) 240-39-33, 150-64-33.

Реклама ва эълонлар

1991 NBU 2016

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2016 йилнинг 11 мартидан жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари учун тўланадиган фоиз ставкаларининг ошганлигини маълум қилади:

«Пенсионерлар учун пластик карточка»
(миллий валютада)

- Фақатгина пенсия маблағларини кирим қилиш учун очилади;
- Карточкани очиш ва унга хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ахборот (sms, web ва ivr) хизматларини кўрсатиш, қўшимча ҳақсиз амалга оширилади;
- Фоиз ставкаси йиллик – 22 %;
- Фоизларни тўлаш ҳар ойда амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефон рақамлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Лицензия рақами № 22.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади: Тошкент шаҳар "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси балансидаги, Бўстонлиқ тумани, Чимён ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган дам олиш оромгоҳи бинолари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

- умумий ер майдони - 6,0 га;
- қурилиш ости майдони - 5370,35 кв.м;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 8 239 600 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

Фаолият ихтисоси: қурилиш назорати.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. веб сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 9 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 24 август, 9, 26 сентябрь, 11, 26 октябрь, 10, 25 ноябрь, 13, 28 декабрь ҳамда 2017 йил 12, 27 январь, 13 февраль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Маълумот учун телефон: (0-371) 228-80-23. Факс: (0-371) 228-80-24.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 26 июль куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан ҳатланган қуйидаги мулклар тақроран қўйилмоқда: ЖИБ Тошкент вилояти, Қибрай тумани судининг 19.03.2012 йилдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 41 240 259 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Нанай ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 326,0 кв.метр, фойдали майдони 61,75 кв.метр, 3 та яшаш хонадан иборат дала ҳовли. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 27.12.2013 йилдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 158 385 792 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янгиовул ҚФЙда жойлашган, умумий қурилиш майдони 1195,11 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 468,26 кв.метр, асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган, "қўй-қўра" бино ва иншоотлари.

2016 йил 9 август куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Тошкент вилояти, Чирчиқ туманлараро судининг 26.03.2015 йилдаги 1-2968/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 50 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ҳ. Олимжон кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 157,67 кв.метрдан иборат ошхона биноси қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "INFINbank"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур, 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: I. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Янгийўл Савдо Файз Барака" МЧЖ автомобиллар омборида сақланаётган: Жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани судининг: 1. 2013 йил 17 апрелдаги қарорига асосан, 1992 йилда и/ч., дав/рақ. 11V7534, бошланғич баҳоси - 2 815 823 сўм бўлган, "Фордтаунус" русумли; 2. 2010 йил 17 майдаги қарорига асосан, 1977 йилда и/ч., дав/рақ. 11T1218, бошланғич баҳоси - 332 988 сўм бўлган, "Москвич-412" русумли; 3. 18.03.2014 й. 7717/20-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ТИФ божхона пости назоратидаги божхона омборида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 5 486 066 сўм, и/ч. ва дав/рақ. номаълум бўлган, "ГАЗ 322132 русумли (микроавтобус)"; бошланғич баҳоси - 4 432 378 сўм, и/ч. ва дав/рақ. номаълум бўлган, "ГАЗ 322132 русумли (микроавтобус)"; бошланғич баҳоси - 4 898 693 сўм, и/ч. ва дав/рақ. номаълум бўлган, "ГАЗ 322132 русумли (микроавтобус)"; 4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, ТЙХТПФД гаражида сақланаётган: 27.02.2009 йилдаги 28105/7-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 6 731 276 сўм, 1996 йилда и/ч., дав/рақ. 11AA065 бўлган, "ГАЗ 270500" русумли; бошланғич баҳоси - 1 470 344 сўм, 1993 йилда и/ч., дав/рақ. 11AR060 бўлган, "КАВЗ 33976" русумли; бошланғич баҳоси - 1 351 679 сўм, 1984 йилда и/ч., дав/рақ. 11AO071 бўлган, "ГАЗ 53205Р" русумли; бошланғич баҳоси - 1 421 943 сўм, 1994 йилда и/ч., дав/рақ. 11AO070 бўлган, "ГАЗ 5201" русумли; 5. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ, Халқобод милиция таянч пунктида сақланаётган: 25.08.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, 1973 йилда и/ч., дав/рақ. 10ў396ЕА, бошланғич баҳоси - 1 300 505 сўм бўлган, "ВАЗ-2101" русумли; 6. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор ҚФЙ, Чирчиқ кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган, 04.06.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, 1974 йилда и/ч., дав/рақ. 10H407JA, бошланғич баҳоси - 3 807 349 сўм бўлган, "ВАЗ-2101" русумли; 7. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими манзилида сақланаётган, 2015 йил 2 июлдаги 1-306-15-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1982 йилда и/ч., дав/рақ. 10A516DA, бошланғич баҳоси - 490 352,18 сўм бўлган, "УАЗ469Б" русумли; 2. 23.07.2015 й. 225-15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган, 2006 й. и/ч., дав/рақ. 10A855EA, бошланғич баҳоси - 19 026 900 сўм бўлган, "ГБА СПГ Нексия Сонс-1" русумли; 3. 23.07.2015 й. 1-249-2015-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган, 2002 й. и/ч., дав/рақ. 10P169KA, бошланғич баҳоси - 13 553 161,30 сўм бўлган, "Матиз" русумли; 4. 2016 йил 11 февраль кунидаги ижро ҳужжатига асосан, 1983 йилда и/ч., дав/рақ. 10D862BA, бошланғич баҳоси - 5 267 517,12 сўм бўлган, "ВАЗ-21033" русумли автотранспорт воситаси; 5. 2016 йил 10 июнь кунидаги ижро ҳужжатига асосан, 1981 йилда и/ч., дав/рақ. 10C640EA, бошланғич баҳоси - 4 369 785,84 сўм бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-2105" русумли автотранспорт воситаси; 3. 2016 йил 8 июль кунидаги ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили номаълум, дав/рақ. 10A924DA, бошланғич баҳоси - 10 511 143,56 сўм бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-5327" русумли автотранспорт воситалари тақроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 27 июль куни соат 11.00 да ўтказилади.

III. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ, "Apex Tech Trading" МЧЖ ҳудудида сақланаётган: 25.03.2015 йилдаги 1-1108/14-сонли ижро варақасига асосан, "Apex Tech Trading" МЧЖга тегишли, бошланғич баҳоси - 1 432 712 493 сўм бўлган, "Сабзавотларни қайта ишлаш ускунаси" тақроран савдога қўйилмоқда

Аукцион савдоси 2016 йил 28 июль куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 27 июль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 25 июль соат 16.00 гача; 2016 йил 28 июль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 26 июль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.02.2016 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги 2454-сонли Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 33-сонли қарорига асосан хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятининг давлат акция пакети бўйича биржа савдоларига таклиф этади.

№	Жамиятнинг номи	Юридик манзили	Фаолият ихтисослиги	Давлат акция пакети фоизи (%)	Акциялар сони (дона)	Акциялар пакети бошланғич нархи (сўмда)	Бир дона акциянинг бошланғич нархи (сўмда)	Савдо ташкилотчиси	Дастлабки савдо санаси
1	"Тошкент вилояти МТПлар бирлашмаси" АЖ	Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 52-уй	Хизмат кўрсатиш	15,0	863 880 996	21 977 132 538,24	25,44	"Тошкент" Республика Фонд Биржаси	08.08.2016 й.

Давлат активларини миллий валютага сотиб олиш учун харидор (унинг вакили ёки воситачиси) савдолар бошлангунча пул маблағларини белгиланган депозитга қўйиши шарт.

Пул маблағлари давлат активи ва воситачисининг номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда депозитга қўйилиши мумкин.

Пул маблағлари харидорнинг воситачисини кўрсатмасдан депозитга қўйилган тақдирда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотига топшириқ-шартноманинг нусхаси тақдим этилади.

Депозитга қўйилган маблағлар ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ёки сотувчи томонидан харидор ёки унинг ишончли вакилининг ёзма аризасига биноан, у олинган кундан бошлаб беш банк куни мобайнида депозитга қўйилган валюта қайтарилади.

Савдо ғолибига депозитга қўйилган маблағлар сотиб олинган давлат активи учун тўлов ҳисобига ўтказилади.

Талабгор давлат акцияларининг сотувчиси ва эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш юзасидан ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

Мурожаат учун манзил:

1. "Mulk sarmoya brokerlik uyi" Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-10-45, 232-10-46.

2. "Тошкент" Республика Фонд Биржаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 236-07-40, 233-32-31.

3. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77, e-mail: tashreg@gki.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 5 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2208,20	1 БАА дирҳами	802,80
1 Канада доллари	2287,32	1 Миср фунти	332,05
1 Хитой юани	442,60	1 Англия фунт стерлинги	3917,50
1 Исландия кронаси	24,08	1 АҚШ доллари	2948,59
10 Япония иенаси	287,11	1 Туркия лираси	1018,27
10 Жанубий Корея вони	25,73	1 СДР	4116,11
1 Малайзия ринггити	738,44	1 ЕВРО	3318,04
1 Россия рубли	46,06	1 Украина гривнаси	118,79
1 Швейцария франки	3031,03	1 Польша злотийси	744,63

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Аччиқ, аммо очиқ гаплар...

НАҚДИ – АСАЛ

дейишмоқда пискентлик айрим савдо ходимлари

– Қизим, эгнимга енгилроқ кийим олмоқчиман, дўконларни бир айлансак, – деб қолдилар бувим эрталабдан.

– Хўп бўлади, бувижон. Кеча пластик карточкамга пул тушди, – дедим уларни хурсанд қилиб.

Шанба куни эрталаб бувим билан шаҳримиздаги дўконларни айланиб, кейин бозорга ҳам тушиб, керакли нарсаларни терминал орқали харид қилдик. Бувим ҳайрон бўлиб сўрадилар:

– Қўлингдаги тўртбурчак нарса нима, болам?

– Пластик карточка деган шу бўлади, бувижон. Пул кўтариб юрмай, у орқали ҳисоб-китоб қиласверасиз.

– Ажабтовур нарса экан, – бувимнинг кўнгли ёришди. – Шу бир парчагина нарса даста-даста пул ўрнини босса...

Бугун қаерга бормайлик, харидимиз, тўловларимиз пластик карточка орқали бир зумда ва осон битади. Дўкон, бозорлардаги гўшт расталари, ошхона, кафе, ресторан дейсизми, хуллас, ҳамма ерда нақд пул ўрнига пластик карточка орқали муомала қилиб кетаверасиз.

Аммо, афсуски, савдо соҳасидаги айрим ходимлар шахсий манфаатлари учунми, билмадик, аҳолига яратиб қўйилган шундай қулайликни йўққа чиқаришга уринадилар. Хусусан, Пискент туманидаги Дўстлик, Мингўрик, Оқтепа қишлоқларидаги қатор савдо дўконларида шундай ҳолатга дуч келдик.

– Биз фақат нақдга ишлаймиз, – дея пластик карточкамизни қайтариб беришди Дўстлик қишлоғидаги дўкон эгалари А. Давронов, Ҳ. Ҳазратқулов, Ф. Мелибоев, М. Соатов. "Нега терминал орқали савдо қилмаяпсизлар?" деган саволимизга эса, на тайинли, на асосли жавоб беришолмади. Мингўрикдаги Д. Кўчаровага тегишли озиқ-овқат дўконларида ҳам фақат нақд пулга савдо қилинаётганига гувоҳ бўлдик.

– Аҳоли билан суҳбатда бўлиб, туман ДСИ раҳбариятига икки марта депутатлик сўрови билан мурожаат қилдим, – дейди Ўзбекистон ХДП Пискент тумани кенгаши раҳбари Дилбар Комилова. – Бироқ, муддати анча ўтиб келган жавоб хати ҳеч нарсани ҳал этмади. Иккинчи марта яна депутатлик сўрови юбордим. Ҳозирча жавоб йўқ. Наҳотки, бу ҳолат уларни ташвишга солмаётган бўлса?.. Ахир, аҳоли пластик карточка орқали харид учун туман марказига қатнашга мажбур бўлаяпти-ку?!

Депутатнинг қуюнганича бор. Ёки юқорида номлари зикр этилган дўконларда терминалга савдо қилиш йўлга қўйилмагани мутасаддиларни заррача қизиқтирмайдими?

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ФИНАЛ САРИ БИР ҚАДАМ

Футбол бўйича Европа чемпионати баҳслари ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Жуда шиддатли, қизғин ва мурosасиз беллашувларга бой кечган гуруҳ баҳслари, нимчорак ва чорак финал ўйинлари мухлисларга кўплаб қизиқарли онларни тақдим этди. Олдинда эса ярим финал ва финал баҳслари.

Ярим финалнинг биринчи учрашуви турнир давомида унчалик ҳам ёрқин ўйин кўрсатолмаганига қарамай, шу босқичга етиб келган Португалия терма жамоаси ҳамда миллионлаб мухлислар меҳрини қозонган мусобақа дебютанти Уэльс термалари ўртасида кечади. Мазкур баҳс Испаниянинг "Реал Мадрид" клубининг икки етакчиси ўртасидаги кураш сифатида ҳам мухлислар қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Португалия ярим финалгача ўтказган ўйинларининг бирортасида ҳам асосий вақтда ғалаба қозонмаган. Нимчорак финалда Хорватия қўшимча бўлимларда таслим этилган бўлса, чорак финалда Польша пенальтилар сериясига кўра мағлуб бўлди. Уэльс эса, аксинча, ниҳоятда ишончли ўйин намойиш этмоқда. Гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритган британияликлар нимчорак финалда Шимолий Ирландия, чорак финалда эса дунёнинг энг кучли терма жамоаларидан бири Бельгияни мағлубиятга учратишди. Хуллас, бир томонда Криштиану Роналду етакчилигидаги португаллар, иккинчи томонда Гарет Бэйл бошчилигидаги Уэльс финал йўлланмаси учун кураш олиб боради.

Ярим финалнинг иккинчи жуфтлиги эса мусобақа мезбони Франция ҳамда амалдаги жаҳон чемпиони Германия терма жамоалари. Бу жамоалар ўртасидаги баҳс финалдан олдинги финал сифатида эътироф этилмоқда. Чорак финалда Италия билан кечган драматик ўйиндан кейин немисларнинг ўзларига бўлган ишончи янада ортган. Французлар эса турнир кашфиётларидан бири – Исландияни йирик ҳисобда мағлубиятга учратиб, юқори кайфиятда бўлиб туришибди.

Кўрамиз, финал йўлланмасини ким қўлга киритар экан? Ниҳоятда тартибли немисларми ёки ҳиссиётларга бой французлар?

Бу саволга 7 июль куни жавоб оламиз.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БИР ДАРЧАДА ЎН ХИЗМАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг январь ойидан Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги қошида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи "Ягона дарча" маркази фаолият бошлади.

Қулайлик

– Марказимиз замонавий компьютер, алоқа, техника ва мебель жиҳозлари билан таъминланиб, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди марказ директори Шерзод Муродов. – Бугунги кунга қадар марказимиздан 500 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилди. Шундан, 103 таси юридик шахслар, 351 таси якка тартибдаги тадбиркорлар, 4 таси юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари ва 42 таси оилавий якка тартибдаги тадбиркорлардир. 25 нафар коллеж битирувчиларининг ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлашда қўл келмоқда.

Марказда тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиб, дастлабки чоракнинг ўзида 153 та мурожаатнинг ижроси таъминланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Шукуҳ

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ



Файзли давралардаги завқли гурунгларда халқимизнинг олижаноб қадриятлари, яқин ва узоқ йилларнинг сабоғидан сўз бормоқда, бу ёруғ кунлар ҳикмати, шукронаси бот-бот тилга олинаяпти. Бундай гурунглар, дилкаш давралар ёш авлод учун ҳам катта ибрат, ҳаётий дарсхонадир.

Одатда тўй-ҳашамга, маъракаларга ота ва фарзандинг, бобо ва набиранинг бирга кириб келиши кам кузатилади. Аммо, Ҳайит кунларида ҳаммамиз фарзанди арзумандимизни, эндигина атак-чечак қилиб юра бошлаган набирамизни эргаштириб, бугунги дориламон кунларга етган кексаларимизни зиёрат қиламиз, яқинлардан ҳол-аҳвол сўраб, байрам шукуҳини, файзини улашиб чиқамиз. Ана ўша пайтларда кўнгилда бир ажиб фикр уйғонади: "Боламни элга қўшаяпман". Элнинг боласи мана шундай саодатли кунларда, кўпнинг дуосини олиб вояга етади. Ҳаёт матлабини, умр ҳикматини англайди. Шу тариқа оила деб аталмиш муқаддас қўрғон мустаҳкамланади.

Тинч, тўкин ва фаровон элга байрамлар ярашади. Халқимиз Рамазон ҳайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан кутиб олаётгани ҳам юртимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, дастурхонимиз тўкинлигидандир. Нуроний отахон ва онахонлар дуога қўл очиб, бугунги саодатли кунларимизга, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтиб, хонадонларга файз-барака тиламоқда.

Бу фазилатли айём гина-кудурат, дилхираликлар унут бўладиган кун. Бу – меҳр ва муҳаббат, оқибат айёмидир. Бу кунлар шукуҳининг қадрига етиш, "Ватанни севмоқ имондандир" деган муборак сўзларга амал қилиб, обод Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида янада ҳамжиҳат бўлиш барчамиз учун олий бурч, шарафли вазифадир.

Раҳимберди РАҲМОНОВ,
"Хўжа Аламбардор" жоме масжиди имом-хатиби.

Бошланиши 1-бетда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 6 июль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Маънавият

ҲАЁТ БУ – ЎЙИН ЭМАС...

Аммо, бугун пули камроқлар интернет-кафеларда, сал ўзига тўқроқ болалар эса энг замонавий ўйинларни ҳаракатга келтиришга мосланган "Sony" қурилмасини маҳкам чангаллаганча "Плейстейшн" ила банд. Қўл телефонлар ўчирилган, шўрлик ота-она эса дарбадар боласини "соғина-соғина соғинмай қўйган". Тағин айни ҳаракат – бевақт кўча кезишлар, тонготарда уйқусизликдан қизариб кетган кўзни ишқалаб уйга қайтишлар шунчаки шўхлик, ўйинқароқлик аталади. Куласанми, куясанми?..

Шу гапларни ёзаяпман-у, аммо ота-оналарни айбдор қилиш ҳам унчалик тўғри эмасдир, деган хаёл кўнгилни таталаб турибди. Чунки, ўйин ишлаб чиқарувчи катта-катта фирма ва компаниялар, ихтирочилар инсон феъл-атворини жуда яхши уқиб олганлар – анойи қайда дейсиз?

Хўш, ўйинларни жозибали, ёқимли қиладиган асосий омиллар қайси?

Энг аввало, инсоннинг эътироф этилишга, ном қозонишга, машҳурликка бўлган мутлақо табиий интилиши бир қарашда беозор шаклда замонавий ўйинлар фалсафасига сингдирилган. "Стратегия" деб номланган компьютер ўйинида катта бир жамоага раҳбарлик қилиш, минглаб аскарларни, аслаҳаларни рақиб ҳамласига жавобан жойлаштириб чиқиш ўсмир йигитчага ёқмайдими? У энди жуда катта армиянинг генерали, наушник (қулоқчин) орқали тинмай уни олқишлаб туришибди... Бе, энди бунга анови мактаб дарслиги нимага керак? У доно, у бир майдон аскарнинг келажаги учун масъул шахс. Қанийди, қанийди ҳаётда ҳам шундоқ бўлса?.. Аммо бу ўйин ичидаги муваққат сунъий даҳоликнинг таъми шунақа мазалики, бола шу лаҳзалар қайтарилсин учун ҳар куни "гейм-клуб" қарами бўлади-қолади...

Ҳар дарднинг зиддини, давосини топган халқмиз. Астойдил ҳаракат қилсак, бу иллатнинг ҳам пайини қирқа оламиз. Унутмангки, бу маслак ёлғиз давлатнинг, зиёлиларнинг, мутасадди ташкилотларнинг эмас, барчамизнинг бурч ва мажбуриятимиздир.

Путури кетаётган вақт

Устозим бир гапни кўп такрорлайдилар: вақт қудратли куч, аммо у инсонларнинг фаолияти билан қудратга эгадир. Рост, фаолиятсиз, фикрсиз ўтган дамнинг қадри йўқ. Вақтнинг қадрини билмаган инсон жамиятда ҳам қадр топмайди.

Фикр юритаётганимиз – ўйинпарастлик васвасаси ҳам эътиборсизлик туфайли бугун жамият учун росмана муаммога айланиб улгурди. Ёпирилиб келган бу балога бир сесканиб қўйган бўлсак ҳам, миқёсли тадбирлар, қамровли танқид, таҳлил кўзга ташланмади. Мана энди эса тилимизни тишлаб ўтирибмиз: ёши улуғлар бу касофатнинг оҳанрабосини англаёлмай ҳалак, ёшлар хавфнинг қўламини илғаёлмай, англаёлмай сарсон – ўртада умр ўтиб бораяпти, тиллога тенг фурсатлар зое кетмоқда...

Дейлик, бепул ўйинлардан бирини қўл телефонингизга юклаб, кутиш соатларини, бўш вақтларни мароқли ўтказишни хаёл қиласиз. Чиранманг, муаммо энди бошланди. Бир-икки марта ўйинга берилсангиз. Кейин, сизга тақдим этилган ўйин вариантларидаги, мураккаб шаклини юклаб бўлгач, энди ҳузур билан машғулотни давом эттиришга тараддудланиб турганингизда, сиз аъзоси бўлган уяли алоқа компаниясидан хабар келади: "Ҳисобингизда маблағ қолмади". Демак, бояги ҳаракат сизга нақд фалон пулга тушган... Буям ҳали ҳаммаси эмас. Э, бор-э, кетса-кетибдида ўша беш-тўрт минг сўм, дея ўйинга берилиб, жавлон ураётганингизда қўққис телефонингиз ўчиб қолади. Устага бориб кўрсатиш керак. Роса бир соатлик текширувдан кейин маълум бўладики, сиз боягина интернетдан юклаб олган жозибали ўйинингиз қурилма функцияларини секин-аста ишдан чиқарувчи виртуал вирус ташувчанлик "қобилияти" бор экан...

Нафақат мобиль ўйинлар, балки катта ҳажмли персонал компьютер ўйинларнинг ҳам ана шундай "айбгинаси" бор. Вақтимизни ўғирлаб, ақлимизни ўтмаслаштиргани бир ён, бола-бақранинг ризқини қийиб, харажатга қўйгани бир ён...

Нажот қаерда?

Энг аввало, интернет-кафелар жойлашган ҳудуд масаласини ўйлаб кўриш зарур. Университет-ку, майли, ҳайтовур суяги қотган авлод нима қилишни билар, аммо, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари атрофидан бундай онгбузар масканни таг-томири билан йўқотиш керак. Ана шунда болалар масофа нуқтаи назаридан ҳам бу машғулотдан анча тийилади.

Шунингдек, ҳар бир "гейм клуб"нинг киравериша, эшик пештоқига кўринарли бир форматда "Эй фарзанд, ҳаёт бу – ўйин эмас" деган шиорни осиб қўйишларини таклиф қилиш керак. Бу шиор айни бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорнинг туб манфаатларига зиён етказмайди. Қайтанга, ҳаётнинг маъносини англаш йўлида ёш бир миллатдошига тўғри йўл кўрсатган бўлур эди...

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

XXI аср ва дунё


"ЗАҲРИ ҚОТИЛ"НИНГ БАҲОСИ

Австралия эмиграция ва чегара қўриқлови вазирлиги мулозимлари юк контейнери ичидан топган шубҳали ўрамлар метамфетамин наркотик моддаси эканлиги маълум бўлди.

275 килограмм "тош босган" мазкур заҳри қотилнинг қора бозордаги қиймати 206 миллион АҚШ долларига тенг, деб топилган. Ҳозир мазкур иш юзасидан гумонланиб, қўлга олинган саккиз кишига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЭНГ ЙИРИК ТЕЛЕСКОП

Хитойда дунёдаги энг катта телескоп барпо этилмоқда.



Гуйчжоу вилоятида FAST диафрагмаси билан тўлдирилган мазкур йирик қурилманинг диаметри 500 метрга тенг бўлиб, у 4450 нур қайтаргичга эга. Бир неча йиллар аввал бошланган мазкур иш сентябрь ойида тўлиқ якунланиши айтилмоқда.

БИЗ БИЛМАГАН ОЛАМ

Ҳинд олимлари 445 та янги ҳайвон ва ўсимлик турларини кашф этишди. Бу ҳақда мазкур мамлакатнинг атроф-муҳит, ўрмон хўжалиги ва иқлим муҳофазаси вазири Пракаш Жавадекарнинг баёнотига таяниб, ТАСС агентлиги хабар тарқатган.




Ҳинд диёрининг бетакрор табиати инъом этаётган бундай "туҳфа"ларнинг охири кўринмаяпти. Маълумотларга кўра, ўтган йили ҳам ушбу мамлакат кенгликларида наботот оламининг бир қанча топилмалари қайд этилганди.

ТОШ УЧУН 70 МИЛЛИОН

Ҳозирги пайтгача энг катта олмос деб келинаётган "Lesedi La Kona" номли қимматбаҳо тош Лондонда аукционга қўйилди.

Экспертлар уни 70 миллион АҚШ долларига баҳолашганди. Бироқ, кимошди савдосида унга кўпи билан 61 миллион доллар таклиф этишди.



Шунча пулга баҳоланаётган мазкур олмос тошнинг ҳажми теннис коптокчасидан хиёл кичикроқ.

СОҒЛОМ ТИШДА ГАП КЎП ЭКАН

АҚШлик тиббиёт мутахассислари тишларни мунтазам тозалаб, ҳамиша соғлом ҳолда сақлайдиган инсонларда бош ва бўйин ўсимтаси билан боғлиқ муаммолар деярли учрамайди, дейишмоқда.

Гап шундаки, оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилмайдиган инсонларда саратондан азият чекиш эҳтимоли юқорироқ бўларкан. Олимлар бундай хулосага 20 минг кишини кўрикдан ўтказишгандан сўнг келишди.

Йилда бир марта стоматолог



кўригида бўлган, тишларини кунига 2 маҳал тозалайдиган, милкидан шикоят қилмайдиган инсонлардан фарқли ўлароқ, тиш парваришига кам эътибор қаратадиган инсонларда бундай хасталикка мойиллик бир неча баробар юқори бўлиши аниқланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Гайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6407. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20.